

Мусобақа завқи ва рағбатланиш шавқи

2019 йил 14 март куни «Бутунжаҳон сув куни»га бағишиланган танлов ўз ниҳоясига етди. Куннинг биринчи ярмида рўйхатдан ўтган талабалар учун видеороликлар ва тақдимотлар танлови ҳамда техно-кўргазмалар танлови намойиши ташкил этилди. Ушбу танловлар ҳам ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилди ва баҳоланди.

Куннинг иккинчи ярмида эса 5 босқичли танловнинг ғолибларига эсадалик совғалар ва фахрий ёрлиқлар топшириш жараёни, тақдирлаш маросими ташкил этилди. Тадбирни институтимиз ректори Ўқтам Пардаевич Умурзаков очиб берди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги Вазири ўринбосари Акмал Мирзаев, Европа иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси раҳбари Элчи Эдуард Стипрайс, Ўзбекистондаги БМТ Таракқиёт Дастирининг Барқарор ривожланиш кластери раҳбари Хуршид Рустамовлар сўзга чиқишиди.

Танлов Модератори Шерзод Шарипов томонидан номинациялар бўйича биринчи ўрин ғолибларининг тақдимотлари намойиши ташкил этилди. Тадбир якунида эса танлов ташкилотчилари томонидан 5 босқичли танловнинг 1-2-3 - ўрин ғолибларига эсадалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар топширилди. 1-ўрин ғолибларининг ҳар бирига Ноутбок(Компьютер), Принтерлар, 2-ўрин ғолибларига қимматбаҳо Планшет (Смартфонлар), 3-ўрин ғолибларига қаттиқ дисклар (терабайтлар) тантанали равишда топширилди.

Тадбирни ташкил этишда яқиндан ёрдам берган институт раҳбариятига, барча иштирокчиларга, айниқса ташаббускор ва ташкилотчилигидаги жонбозлиги учун проректоримиз Султанов Тохир Зокировичга талабалар номидан миннатдорчилик билдирилди. Кейинги танловларда сиз ҳам фаол бўлинг ва ғолиблар сафидан жой олинг.



Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов